

ШАРТНОМА № 1
(Жорий таъмирлаш)

«14» май 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилган
2-И.Д.У.М.И. директори К.Тардаев бир томондан ва Низом
асосида иш юритувчи ва кейинги ўринларда «Бош пудратчи» деб юритиладиган
«Идеал плюс миа строй» ш.ф.ш. иккинчи томондан мазкур
шартномани куйидаги мазмунда туздилар

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

- 1.1. «Бош пудратчи» мазкур шартнома шартларига кўра «Буюртмачи» балансида бўлган бинода жорий таъмирлаш ишларини лойиха асосида бажариб беришни ўз зиммасига олади.
- 1.2. «Буюртмачи» эса «Бош пудратчи» га қурилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни, тегишли лойиха хужжатлари билан таъминлаш, бажарилган жорий таъмирлаш ишларини тегишли тартибда қабул қилиб, тўлов ишларини амалга ошириш мажбуриятларни ўз зиммасига олади.
- 1.3. Объектда жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати 14 май 2022 йилдан 31 Декабр гача 2022 йилгача.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ.

- 2.1. Мазкур шартнома бўйича «Бош пудратчи» томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 573000000 (беш юз етти милон уч миллион) сўм.
- 2.2. Қурилиш бахоси ва муддати мазкур шартномада назарда тутилиши мумкин бўлган қурилиш ҳажмининг ошиши ёки камайишини жорий таъмирлаш ишлари бажарилгунга қадар ҳукумат қарорига кўра қийматликлар ўзгартирилганлигини фўрс-мажор ҳолатларини истисно этган ҳолда қатъий саналади.
- 2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирдагина шартнома бахосига оид ўзгартиришлар шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. ШАРТНОМА БУЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

«Бош пудратчи»:

- 3.1. Барча жорий таъмирлаш ишларини мазкур шартномага илова қилинган лойиха хужжатларида кўрсатилганга ҳажмда ва белгиланган муддатда ўзининг қучларини ёки жалб қилинган учинчи шахслар ёрдамида бажариш ҳамда шартнома шартларига кўра «Буюртмачи»га топшириш.
- 3.2. Ўзи жалб қилган учинчи шахслар томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишлари сифатига, муддати учун жавобгар бўлиш.
- 3.3. «Буюртмачи»ни ўзи билан учинчи (Суб пудратчи) шахслар ўртасида тузилаётган шартнома ҳақида хабардор қилиш.
- 3.4. «Буюртмачи» етказиб берган ва ўз қучи маблағи эвазига ташиб келтирилган қурилиш материаллари ва констукцияларини уларга зарар етмаган ҳолда сақлаш.
- 3.5. Жорий таъмирлаш ишлари бажарилаётган объектда экология ва тозалikka риоя этган ҳолда техника ва ёнгин хавфсизлиги тадбирларини таъминлаш.
- 3.6. Ўзи томонидан келтирилган қурилиш материалларининг лойихада назарда тутилган талабларга (стандарт ва х.к) жавоб беришини таъминлаш.

«Буюртмачи»:

- 3.7. Календар иш режасида белгиланган тартибда лекин шартнома имзоланган кундан эътиборан 5 кун муддат ичида объект майдони ва лойиха хужжатларини «Бош пудратчи» га топшириш.
- 3.8. Шартномада назарда тутилган миқдорда ва муддатда бажарилган **жорий** таъмирлаш ишлари учун «Бош пудратчи» га ҳақ тулаш.
- 3.9. «Бош пудратчи» нинг ёзма талаб, илтимос тўлов ва эътирозлари 5 кунлик муддат ичида ўрганилиб чикиб муносабат билдириш.
- 3.10. Календар иш режаси асосида бажарилган ишларни тегишли тартибда қабул қилиб олиш.

4. ТЎЛОВ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

4.1. Ушбу шартнома буйича тулов Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 16 сентябрда №2007-сон билан руйхатдан утказилган “Давлат бюджетининг Газна ижроси коидалари” га асосан бюджет ташкилотларини товар (иш.хизмат) отказиб берувчилар билан тузилган шартномалари мажбурий тарзда Газначилик булинмасидан руйхатдан утказилгандан сунг бажариладиган ишлар буйича 20 кун ичида олдиндан 15% тулов амалга оширилади ва колган 85% тулови такдим этилган хисоб-фактураларга асосан амалга оширилади.

4.2. Бажарилган ишларда аниқланган камчиликлар баргараф этилмагунга қалар тўлов ишлари кечиктирилиши мумкун.

5. ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ ВА КАФОЛАТ МУДДАТИ.

5.1. «Буюртмачи» қурилиш объектига ўз вакили «Техник назоратчи» тайинлайди. У «Буюртмачи» номидан ишларнинг ҳажми ва сифати, материаллари ҳамда бошқа ашёларни шартнома шартлари ва лойиха хужжатлари талабларига мослигини текшириб, бажарилган ишлар далолатномасини расмийлаштиради.

5.2. **Жорий** таъмирлаш ишлари мазкур шартномага илова қилинган иш графиги, календар иш режасига кўрсатилган муддатгача «Бош пудратчи» томонидан бажарилади.

5.3. Қурилиш майдонида бажарилган **Жорий** таъмирлаш ишларини лойиха хужжатлари ва қурилиш конун коидалари талабларига жавоб бериш учун «Бош пудратчи» маъсул саналади.

5.4. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимларини қурилиш материаллари, жиҳозларидан фойдаланиш ва ишларини кафолатлик муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолагандан сўнг 12 ой объектнинг кафолатли муддати 24 ой деб белгиланади.

5.5. Сифатсиз бажарилган ишларни қайта тиклаш учун сарф қилинган қўшимча харажатлар шартнома қийматидан ташқари бўлиб, айбдор хисобидан қопланади.

5.6. Сифатсиз ва камчилик билан бажарилган иш аниқланганлиги хусусидаги далолатнома билан томонлар келиша олмасалар, экспертиза тайинланади ёхуд суд тартиби ҳал қилинади.

6. ҚУРИЛИШНИ КОНСЕРВАЦИЯЛАШ ВА ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТИ.

6.1. Қурилишни консервациялашда тарафлар мажбуриятларининг ижро муддатини баргараф этиб бўлмайдиган вазият (форс-мажор) 1 ойдан ортиқ давом этадиган бўлса, қурилишни номаълум муддатга тўхтатиш (консервациялаш) учун чора-тадбирларни

кўришни муҳокама этадилар. Бир тухтамга келинмаса, 2 ой мобайнида тарафлар шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидирлар.

6.2. Агарда томонлар мажбуриятларини қисман ёки Тўла ижро эта олмай қолиши табиий ходисалар, ҳарбий харажатлар, бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, Ушбу ҳолатлар шартнома ижросига бевосита таъсир этадиган бўлса, томонлар шартнома бўйича мажбуриятларини қисман ёки Тула ижро этолмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

6.3. Қурилиш объектга тўлалигича консервация қилиш ҳақидаги қарор қилинган кунга қадар бажарилган ишлар ҳақи тўлик тўланади.

7. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

7.1. «Буюртмачи» «Бош пудратчи» нинг айби билан қурилиш график режаси ва лойиҳа шартларида кўрсатилган ишларнинг бажарилиши бир ойдан ортиқ вақтда тўхтатилганда, иш сифати бузилганда, «Бош пудратчи» юридик шахс сифати қонунда белгиланган тартибларда аниқланганда, аниқланган камчиликларни бартараф этишдан асоссиз бош торттирганда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

7.2. «Бош пудратчи» «Буюртмачи» томонидан асоссиз равишда 1 ойдан ортиқ вақт мобайнида Қурилиш ишлари тўхтатилиб қўйилганда, молиялаштириш тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадир.

7.3. Шартномани бекор қилиш ҳақидаги талаблар тарафлар бир-бирини ёзма равишда хабардор қилинган ҳолда 1 ойлик муддат ичида кўриб чиқилиб, ҳал қилинади. Шартнома асоссиз бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

7.4. Шартнома бекор қилинганда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарар ва бой берилган фойдани тўлайди.

8. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

8.1. «Буюртмачи» «Бош пудратчи» га ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмини 0,4 % миқдориди пеня тўлайди. Пеня бажарилмаган мажбуриятнинг 50 % идан ошмаслиги лозим.

8.2. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз бош тортганлиги учун «Буюртмачи» «Бош пудратчи» га ўзини тасдиқлашни рад этган сўмманинг 5 % миқдориди жарима тўлайди.

8.3. «Бош пудратчи» «Буюртмачи»га ўз мажбуриятларини бажармаган қисмини 0.5 % миқдориди ҳар бир кечиктирилган кун учун пеня тўлайди. Пеня бажарилмаган мажбуриятининг 50 % идан ошмаслиги лозим.

8.4. «Бош пудратчи» томонидан бажарилган ишлар сифати шартномада ва лойиҳада белгиланган ва бошқа қонун талабларига жавоб бермаса, сифатсиз бажарилган иш ҳажми қийматининг 10 % миқдориди «Буюртмачи» га жарима тўлайди.

8.5. «Буюртмачи» дан олинган фойдаланилмаган қурилиш материаллари ва бошқа ашёлар бир ойлик муддат ичида қайтарилмаса, қайтарилмаган мулкнинг 10 % миқдориди жарима қўлланишига сабаб бўлади.

9. АЛОҲИДА ҚОИДАЛАР.

9.1. «Бош пудратчи» ўз кучи маблағи билан олиб келган қурилиш материаллари ва бошқа ашёларнинг шартнома ва ҳамда лойиҳа талабларига мос келиши ҳақида сертификат техник паспортлари бўлишини таъминлаши шарт.

9.2. Қурилиш материаллари ва бошқа ашёлар «Бош пудратчи» томонидан марказлаштирилган омборлар орқали «Бош пудратчи» нинг ёзма (требование) орқали берилади.

9.3. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур бўлган транспорт воситалари махусе транспортлар «Ёрдамчи пудратчи» ихтиёрида бўлмаса. «Бош пудратчи» томонидан марказлаштирилган усулда таъминланади.

9.4. Қурилиш материаллари ва бошқа ашёлардан ҳамда транспорт воситаларидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш шартнома доирасида амалга оширилади.

9.5. Шартнома лойиҳа ҳамда қонун талабларига жавоб бермайдиган материал ва ускуналардан фойдаланиш таъқиқланади.

10. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШИ.

10.1. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш иккала томонни розилигига асосан ёзма равишда билдирилади.

11. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

11.1. Шартномани амал қилиш муддати шартнома икки томон ўртасида имзоланиб, Ҳазначилик бўлини маси томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб юридик кучга эга бўлади ва 31 декабр 2020 йилгача амал қилади.

12. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ.

“БУЙУРТМАЧИ”

Номи: 2. - У.Д.У. М. У.
Манзили: Мирраки. Ш. Амир. Ҳ. М.
Ш/р: 100021860102457092300075006
ИНН: 202441670 ОКОНХ: 92310
Ўз.Р. Молия Вазирлиги Ҳазначилиги
Х/р: 23402000300100001010
ИНН: 201 122 919 МФО: 00014
Банк: Тошкент ш. Марказий банк
ББХКМ


Рашид К. Пардаев.



“ПУДРАТЧИ”

Номи: «Идеал плюс лега строй» М.Ч.М.
Манзили: Шахрисабз тумани, Мирраки. Ш.
Х/р: 2020 8000 8053 05 01 8001
ИНН: 307908026 ОКОНХ: 43990
Банк: «Мирал йул» Шахрисабз фили.
МФО: 01048

Рахбар: М. Какимов.





17.05.2022 йил

АВБОКАТ

У.С. ЖАББОРОВ.

28.12.2018 йилда берилган лицензия KS: № 000129

ХУКУКИЙ ХУЛОСА.

Мен, Шахрисабз туманидаги 2-сонли давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта-таълим мактаб интернати ДИМИ «Бююртмачи» ва Шахрисабз туман «Идеал шнос мета строй» МЧЖ «Йудратчи» ўртасида 573 000 000 (беш юз етмиш уч миллион) сўмлик Шахрисабз туманидаги 2-сонли давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта-таълим мактаб интернати ДИМИ биносининг жорий таъмирлаш ишларини бажариш тўғрисида тузилган 17.05.2022 йилдаги № 1-сонли шартнома лойиҳасини ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида қуриб чиқиб, ушбу шартнома шартлари амалдаги қонунлар талабларига зид эмаслигини аниқладим.

Ушбу хукукий хулоса тарафлар ўртасида тузилган шартномани иловаси хисобланмасдан факат мақрур шартноманинг шартлари қонун талабларига мос келишиги хақида адвокатнинг фикри хисобланади.